



## ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*DSc, доцент Маматов Бахадир Сафаралиевич,  
Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистан  
Email: [bahadir\\_mamatov@mail.ru](mailto:bahadir_mamatov@mail.ru)  
ORCID: 0009-0004-6227-5103*

## INCREASING THE ATTRACTIVENESS OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT IN THE REGIONS IS AN IMPORTANT FACTOR IN ATTRACTING FOREIGN DIRECT INVESTMENT

*DSc, Associate Professor Mamatov Bahadir Safaralievich,  
Tashkent Institute of Finance, Tashkent, Uzbekistan  
Email: [bahadir\\_mamatov@mail.ru](mailto:bahadir_mamatov@mail.ru)  
ORCID: 0009-0004-6227-5103*

### **JEL Classification: G00, G23**

**Аннотация.** Мазкур мақолада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришидаги роли очиб берилган. 2020-2022 йилларда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар динамикаси таҳлил қилинган ва унга оид тенденциялар аниқланган. 2016-2022 йилларда Марказий Осиё мамлакатларига киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми тадқиқ этилган ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг сабаблари аниқланган, уларнинг иқтисодиётга ижобий таъсири асослаб берилган. Худудларнинг инвестициявий муҳит жозибadorлигини оширишнинг хориж тажрибалари, хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар ва турли молиявий имтиёзлар баён қилинган. Худуд инвестициявий жозибadorлигини

таъминлаш ва ошириш борасидаги илгор хориж тажрибаларидан Ўзбекистонда шароитида ижодий фойдаланиши истиқболлари очиб берилган ҳамда мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Abstract.** This article reveals the role of foreign direct investment in the development of the country's economy. The dynamics of foreign direct investment in developed and developing countries in 2020-2022 has been analyzed and trends related to it have been identified. The volume of foreign direct investment in Central Asian countries in 2016-2022 has been studied and the reasons for the inflow of foreign direct investment have been determined, their positive impact on the economy has been substantiated. The foreign experience of increasing the attractiveness of the investment climate of the regions, the conditions created for foreign investors, various financial

*incentives are presented. The prospects of using advanced foreign experience in Uzbekistan to ensure and increase the investment attractiveness of the region have been identified, as well as proposals and recommendations aimed at further improving the investment climate and increasing its attractiveness in our country have been developed.*

**Калим сўзлар:** инвестиция, хорижий инвестиция, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, инвестиция муҳити, инвестициявий жозибadorлик, солиқ имтиёзлари, халқаро индекс ва рейтинглар, экспорт, инвестицияларни жалб қилиш, эркин иқтисодий зоналар.

**Keywords:** investment, foreign investment, foreign direct investment, investment climate, investment attractiveness, tax benefits, international index and ratings, export, investment attraction, free economic zones.

**Кириш.** Жаҳон амалиёти ва тажрибаси тасдиқлашича, хорижий инвестициялар иқтисодиётда техника ва технологияларнинг янги авлодини яратиш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш, асосий капитални модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш, янги бозорларни эгаллаш ва экспорт салоҳиятини мустақамлаш, янги иш ўринларини яратиш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва умуман иқтисодиётнинг драйвери сифатида ҳал қилувчи рол ўйнайди. «Тадқиқот натижалари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг 1 фоизга ортиши Марказий Осиё мамлакатларида 0,16 фоиз иқтисодий ўсишга олиб келишини кўрсатди» [1]. Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти (БМТ)нинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференциясининг (UNCTAD) янги маърузасида қайд этилишича, «2020 йилдаги COVID-19 пандемияси туфайли кескин пасайиш (36 фоизга) ва 2021 йилда жадал тикланишдан сўнг, 2022 йилда дунёда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1,3 трлн. АҚШ доллариға камайди ва унинг даражаси 12 фоизга пасайди» [2]. Бунинг асосий сабаби сифатида Россия Федерациясининг Украинадаги ҳарбий опреация ва унинг оқибатларини, озиқ-овқат ва энергия нархларининг кўтарилишини кўрсатиш мумкин. Мазкур омил халқаро инвестицион бизнес юритиш учун хавф-хатарлар сақланиб қолаётганлиги нуқтаи назаридан салбий ҳолатдир. Фикримизча, умумий глобал ноаниқликни ҳисобга олган ҳолда, 2023 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг пасайиш тенденцияси давом этади. Бундай тенденция халқаро инвестициялар учун рақобатлашиш борасида мамлакатда бизнес муҳитининг янада яхшиланишини ва инвестициявий жозибadorлигининг оширилиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этади.

**Материал ва метод.** Ҳудудларда инвестициявий муҳит жозибadorлигини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари хорижий ва республикамик иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисоалар ва мақолаларда ўз аксини топган. Иқтисодчи-олимлардан Шарп У., Александер Г., Бейли Дж. [3] Роберта С.Хиггинза [4], Боди Э., Маркус А., Кейн А. [5], М.Н.Крейнинанинг [6] илмий ишларида ҳудуд инвестициявий



жозибадорлиги корхонанинг  
молиявий ҳолатини тавсифловчи  
умумлаштирилган атама ҳамда  
инвестициялар самарадорлиги ва  
рентабеллигининг таъминланиши  
сифатида талқин қилинган. Улар  
инвестициявий жозибадорликка  
инвестициялаш объектининг  
даромадлилиги нуқтаи-назаридан  
қарашган. Бу эса инвестициявий  
жозибадорликка мулкдан самарали  
фойдаланиш усули сифатида  
ёндашилганлигини кўрсатади ва корхона  
миқёсидаги мазмуни ва моҳиятини ифода  
этади. Ушбу иқтисодий тушунчани  
маълум бир корхонага  
инвестицияларнинг мақсадга  
мувофиқлигини белгиловчи кўрсаткич  
сифатида тушунадилар. Бироқ,  
инвестициявий жозибадорлик, нафақат,  
корхона, балки тармоқ, алоҳида ҳудуд  
миқёсида ҳам амал қилади.

Кейинги ёндашув тарафдорлари  
Г.П.Литвинцева [7] фикрича,  
ҳудудларнинг инвестициявий  
жозибадорлиги ҳудуд инвестиция  
муҳитининг ажралмас қисми сифатида  
муҳитга таъсир этувчи барча омиллар ва  
кўрсаткичлар мажмуини қамраб олади  
ҳамда инвестицион салоҳият ва  
инвестиция risks даражаси инвестицион  
жозибадорликни белгилайди.  
Л.В.Матраева, С.Г.Ерохинлар [8] илмий  
тадқиқотларида тўғридан-тўғри хорижий  
инвестицияларнинг асосий  
концепциялари, мамлакатдаги  
инвестиция муҳитини баҳолаш  
услугияти, хорижий инвесторлар  
фаолиятини давлат томонидан тартибга  
солиш масалалари таҳлил қилинган.

Маҳаллий иқтисодчи-олимлар  
А.Вахабов [9], Ш.Мустафакулов [10],  
А.Эргашев [11] илмий ишларида


ҳудудлар инвестициявий жозибадорлиги  
ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий  
ҳолати, қулай инвестиция муҳитининг,  
барқарор қонунчилик асосларининг  
яратилганлиги, ҳудуд инвестиция  
салоҳияти ва инвестиция risks даражаси  
нуқтаи назаридан талқин қилинган.

Тадқиқот ишини ташкил этиш ва  
бажариш жараёнида амалий  
материалларни таққослаш, статистика ва  
жадваллар ёрдамида таҳлил ишлари олиб  
борилган, ундаги натижалар асосида аниқ  
хулоса ва таклифлар баён қилинган.

**Натижалар.** Статистик  
маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики,  
2022 йилда ривожланган мамлакатларга  
йўналтирилган хорижий инвестициялар  
ҳажми 2021 йилга нисбатан 37 фоизга  
пасайиб, 378 млрд. АҚШ долларини  
ташкил қилди. Бундай тенденция дунё  
бўйлаб тўғридан-тўғри хорижий  
инвестициялар оқимининг ҳам  
камайишига таъсир кўрсатди. Натижада,  
дунё бўйлаб тўғридан-тўғри хорижий  
инвестициялар ҳажми 2022 йилда 1295  
млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, бу  
кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 138 млрд.  
АҚШ долларига камдир. Ривожланаётган  
мамлакатларга хорижий инвестициялар  
оқими 2021 йилга нисбатан 4 фоизга  
ўсиб, рекорд даражадаги 916 млрд АҚШ  
долларини ташкил қилди. Бу эса ушбу  
мамлакатларда янги инвестиция  
лойиҳаларининг ва лойиҳавий  
молиялаштириш (йирик инфратузилма  
лойиҳалари)га оид битимларнинг амалга  
оширилганлиги билан боғлиқдир. Шу  
билан бирга, ушбу хорижий  
инвестицияларнинг аксарияти чекланган  
миқдордаги йирик иқтисодиётларга тўғри  
келади. Эътиборли жиҳати шундаки,  
2022 йилда Ҳиндистон иқтисодиётига  
хорижий инвестициялар оқими 10 фоизга

ўсиб, 49 млрд АҚШ долларига (лойиҳавий молиялаштириш битимлари ва операциялари, хусусан, мамлакатда йирик чип ишлаб чиқариш

заводининг қурилиши туфайли) ва Хитойга киритилган хорижий инвестиция ҳажми 5 фоизга ўсиб, 189 млрд. АҚШ долларига етди (1-расм).



**1-расм. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, млрд. АҚШ доллари ҳисобида [12]**

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари хорижий инвестициялар,

айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун жозибадор ҳудуд бўлиб бормоқда (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Марказий Осиё мамлакатларига киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми, млрд АҚШ доллари ҳисобида [13]**

Давлатлар	Йиллар						
	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Қозоғистон	21,40	21,00	24,30	24,30	17,10	23,80	28,00
Ўзбекистон	3,70	2,40	1,80	4,20	2,90	8,10	9,50
Қирғизистон	0,80	0,60	0,90	1,10	0,50	0,69	1,10
Тожикистон	0,30	0,30	0,40	0,40	0,20	0,34	0,65

Хусусан, 2016-2022 йиллар мобайнида Қозоғистонга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1,6 баробарга ортган. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 2,6 баробарга, Қирғизистонда 1,4 баробарга ва

Тожикистонда 2,2 баробарга ортган. Шу билан бирга, Қозоғистонда 2019 йилда хорижий инвестицияларнинг кириб келиши 2018 йилга нисбатан ўзгармади, гарчи мамлакат жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг

умумий ҳажми бўйича минтақада етакчи бўлиб қолмоқда. 2020 йилдаги COVID-19 пандемияси туфайли деярли барча мамлакатларга хорижий инвестициялар оқидамида кескин пасайиш кузатилди

Марказий Осиё мамлакатларига киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг фаоллашиб бораётганлигига, биринчидан, ушбу мамлакатлар иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари сабаб бўлган. Жумладан, 2016-2023 йилларда ушбу мамлакатларда ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатлари ўртача 4-5 фоизни ташкил қилган. ЯИМ ҳажмининг бундай даражадаги ўсиш суръатлари инвесторлар томонидан киритилган хорижий инвестицияларнинг молиявий-иқтисодий самарадорлигини таъминлаш ва фойдага эришиш имконини беради. Иккинчидан, мазкур мамлакатлардаги фойдали қазилмалар, савдо-сотикдан ташқари соҳалар учун янги бозорлар, макроиқтисодий барқарорлик, йирик ички бозорлар, нисбатан арзон иш кучи, иқтисодиёт тармоқларининг юқори ўсиш салоҳияти, ишбилармонлик муҳитининг янада яхшиланиб бораётганлигидир. Учинчидан, Марказий Осиё мамлакатларининг бир-бири билан фаол рақобатлашаётганлигидир ва бу ҳолат ҳудудларда инвестициявий муҳитни яхшилаб, минтақа обрўсига ижобий таъсир кўрсатади. Тўртинчидан, ушбу мамлакатларнинг турли халқаро индекс ва рейтинглар (Иқтисодий эркинлик индекси, Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси, Логистика самарадорлиги индекси, Глобал инновациялар индекси, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва Инсон камолоти индекси, Электрон


ҳукуматни ривожлантириш рейтинги, Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солиш чекловлари индекси)даги мавқеи яхшиланиб бораётганлигидир.

Бирок, Қирғизистон ва Тожикистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг сустлиги ушбу мамлакатлардаги инвестициявий муҳитнинг барқарор эмаслиги, турли маъмурий тўсиқлар, ишлаб чиқариш-бозор-ижтимоий инфратузилманинг ривожланмаганлиги, солиқ тизимининг соддалаштирилмаганлиги, саноат тармоқларининг ривожланмаганлиги билан хусусиятланади. Ушбу мамлакатларда асосий хорижий инвесторлар бўлиб Хитой, Россия, Туркия, Қозоғистон, Жанубий Корея каби мамлактлар ҳисобланади.

2021-2022 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқидамида барқарорлик касб этди. Буни мамлакатимизда ташкил этилган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сонининг ўсиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин (2-расм). Чунки, сўнгги йилларда мамлакат қонунчилигида чет эл инвесторларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида янги "Солиқ кодекси", "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Медиация тўғрисида"ги, "Маҳсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонунлар ва кўплаб қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Инвесторлар учун янада қулай шароит яратиш мақсадида Халқаро Тошкент арбитраж маркази ташкил этилди ҳамда "инвестиция кредити", "инвестиция субсидияси" ва "инвестицион виза" каби янги механизмлар жорий қилинди.

“Мамлакатда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналар сони 2017

йил бошида 3 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб, 22 тага етди» [15].



**2-расм. Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони, та [14]**

Қонунчиликдаги ўзгаришлар ва яратилган имкониятлар мамлакатдаги инвестициявий муҳитга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки каби йирик халқаро молия институтлари ва ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. 2022 йилга келиб, иқтисодиётимизга инвестиция киритган мамлакатлар сони 50 дан ортди, уларнинг орасида Россия, Хитой, Туркия, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатлар етакчилик қилмоқда. Натижада, Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони кўпайиб бормоқда.

«Халқаро институционал компаниялар мутахассислари инвестицияларни жалб қилиш Марказий Осиёдаги инқироздан кейин иқтисодиётни тиклашнинг асосий омили

эканини таъкидламоқда» [16]. Бу эса инвестициявий муҳитни янада яхшилаш ва унинг жозибдорлигини ошириш зарурлигини тақозо этади.

Худудларнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш борасида тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар бой тажрибаларга эга.

Худудларнинг инвестициявий жозибдорлигини таъминлаш ва уни ошириш учун давлат томонидан ушбу йўналишларда мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур. Бу йўналишда хорижий инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб қилиш учун инвестиция имиджини ошириш стратегияси муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишда инвестиция муҳити муҳим рол ўйнайди ва инвесторларнинг қизиқиши, манфаатлари кўп жиҳатдан унинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. АҚШ ва Хитой тажрибалари Ўзбекистон

иқтисодиётининг равнақи учун ҳар томонлама дастак вазифасини ўтайди. Чунончи, халқаро майдондаги илғор тажрибалар йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ички инвестицияларни фаоллаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инновацион маҳсулотларни халқаро бозорларга олиб чиқиш, барча даражадаги инвесторларнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва кафолатлаш, инвестициявий фаоллик ва рақобатбардошлиқни ошириш билан боғлиқ масалалар шулар жумласидандир.

АҚШ кўп йиллар давомида инвестициявий жозибадорликни ифодаловчи турли рейтингларда биринчи ўринларни эгаллаб келмоқда ва АҚШ ўз инвестиция сиёсатини тизимли ва комплекс ёндашган ҳолда олиб боради. АҚШда қулай инвестиция муҳити барпо этилган ва бунда ҳудудий ҳокимият органлари асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда. Улар иқтисодий ва ташкилий томондан хорижий сармояларнинг кириб келишини таъминлашга интиладилар. АҚШнинг 25 та штатида иқтисодий ривожланиш агентликлари ҳузурида махсус Халқаро савдо бўлинмалари ташкил этилган бўлиб, уларнинг мақсади экспортни рағбатлантириш ва чет эл инвестицияларини кенг кўламда жалб қилишдан иборат.

Мамлакатда хорижий инвесторлар учун кенг номолиявий имтиёзлар тизими ишлаб чиқилган. Бугунги кунда маҳаллий ҳокимият органлари даражасида иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш бўйича 6 мингга яқин дастур мавжуд. «25 та штатдаги маҳаллий ҳукумат органлари томонидан

1300 та тадбиркорлик зоналари ташкил қилиниб, мазкур зоналарда бошқа мамлакатлардан келган инвесторлар кенг имтиёзлардан фойдаланадилар» [17].

Тадбиркорларнинг инвестицияларини жалб қилиш фаолиятига таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаларидан бири қуйидагилардан иборат:

– штатлар даражасида давлат ҳокимият органлари ҳисобидан ишлаб чиқариш (электроэнергия таъминоти, транспорт ва алоқа, йўл қурилиши, моддий-техник таъминот, газ таъминоти, тоза сув таъминоти ва бошқ.) ва ижтимоий инфратузилмани (маориф, соғлиқни сақлаш, санъат, маданият иншоотлари, спорт иншоотлари, ижтимоий таъминот, маиший хизмат, уй-жой қурилиши ва бошқ.) ривожлантириш;

– муҳандислик нуқтаи назаридан саноат объектларини қуриш мумкин бўлган жойларни, ҳудудларни тайёрлаш ва бунинг учун махсус жиҳозланган саноат ва илмий-технологик парклар, технополисларларни ташкил этиш.

«Штатларда инвестиция фаолияти имтиёзли солиққа тортиш, субсиядиялар, дотациялар, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш ва арзон кредитлар тақдим этиш орқали молиявий рағбатлантирилади» [18]. Турли маъмурий-ҳудудий тузилмалар ҳокимияти оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда соҳага инвестицияларни жалб қилишнинг ахборот-реклама усулидан кенг фойдаланишади. Штат ҳукуматлари инвесторларга маҳаллий инфратузилма, солиққа тортиш тизими, энергия таъминоти, қурилиш ва унинг нархлари,

ишчи кучи ва бошқалар тўғрисида батафсил ҳаққоний маълумот беради. Ҳар бир маъмурий ҳудудий субъект инвесторларга ер участкаларини олиш ва қурилиш харажатлари, алоқа, транспорт хизматлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари, кадрлар тайёрлаш имкониятлари, савдо бозорларини ривожлантириш истиқболлари ҳақида тўлиқ ахборот беради. Маҳаллий ҳокимият органлари инвесторлар томонидан таклиф этилаётган инвестиция лойиҳасининг аҳамиятига ва хусусиятларига қараб, инвестициялар учун турли шарт-шароитларни шакллантиради. Кўпинча иқтисодиётнинг давлат учун устувор бўлган тармоқларини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳалари учун имтиёзлироқ инвестиция режими қўлланилади. Экспорт-импорт ўрнини босувчи фаолият билан шуғулланувчи корхоналарни ташкил этиш ва янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш бўйича лойиҳаларга алоҳида имтиёзлар берилди.

АҚШда инвестиция муҳитини яхшилаш ва унинг жозибдорлигини оширишга имкон берувчи давлат-хусусий шериклик механизми тараққий этмоқда. Унинг ёрдамида, биринчидан, реал ва молиявий сектордаги тадбиркорлар билан олий таълимнинг илмий-тадқиқот тузилмаларнинг интеграциялашуви асосида янги иқтисодиётнинг таркибий элементлари ташкил этилмоқда, иккинчидан, ҳудудда инновацияларни ривожлантириш учун мўлжалланган давлат ва хусусий инвесторларнинг молиявий ресурслари бирлаштирилмоқда.

Ҳудуд инвестициявий жозибдорлигини оширишда Хитой

давлати ҳам бой тажрибаларга эга. Хитойда инвестицион фаолликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири – барча даражадаги инвесторлар учун муҳим ҳисобланган ҳудудларнинг имкониятлари ва иқтисодий-инвестициявий салоҳиятини кўрсатиб берувчи маълумотлар базасининг ишлаб чиқилганлиги ва интернет-ресурс сифатида фойдаланиш имкониятининг мавжудлигидир. Мазкур жиҳат Хитойнинг халқаро инвестиция бозоридаги мавқеини оширишга, бизнес ҳамкорларининг янада кучайишига, иқтисодиётнинг тез суръатларда ривожланишига, миллий корхоналарга чет эл инвестицияларининг кириб келишига хизмат қилган ҳамда иқтисодиётининг очиклиги, инновациялар ривожини, давлат томонидан яратилган қулай тадбиркорлик муҳитини инвестициявий жозибдорлигини оширишга таъминлаган.

Хитой халқаро инвестиция майдонида ўз имижини мустаҳкамлаш мақсадида «ОТХТ – Осиё-Тинч океани Ҳамкорлик Ташкилоти, ШХТ – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича, шунингдек, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш бўйича хитой-араб, хитой-африка ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб келмоқда» [19]. Шунингдек, Бутунжаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиши билан турли хилдаги тарифларни пасайтириш, иқтисодиётнинг етакчи соҳалари бўлган телекоммуникация, банк-молия, суғурта, савдо, логистика соҳаларига йўналтирилган инвестицияларга тўсиқ ва чекловларни олиб ташлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада, турли трансмиллий компаниялар,



хорижий компаниялар томонидан Хитойга инвестиция киритиш билан боғлиқ фаоллиги янада ортди. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида Хитой хорижий сармоялар оқимининг сусайишини олдини олиш мақсадида «яшил йўлак» тизимини жорий қилди. Бу тизим хорижий сармояли корхоналарни рўйхатга олиш ва хорижий сармоялар оқимини рағбатлантирибгина қолмай, балки инвесторлар учун «ҳимоя ёстиғи» вазифасини ҳам бажарди.

Инвестициявий муҳитнинг соғломлиги, унинг жозибadorлиги мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатини ифодаловчи макроиктисодий кўрсаткичлар орқали ҳам намоён бўлади. АҚШ ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми бўйича жаҳонда 1-ўринни эгаллаган ва дунё жами ЯИМ ҳажмининг қарийб 25 фоизи АҚШ улушига тўғри келади. Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми бўйича дунёда 9-ўринга эга ва ЯИМ ҳажми жон бошига 69288 АҚШ долларига тўғри келади. Шунингдек, мамлакатда инфляция даражаси 6,5 фоизни ташкил қилади. Халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни ҳам ижобий бўлиб, Глобал инновация ва глобал рақобатбардошлик индексларида 2-ўринни забт этган. 2022 йилда мамлакатга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 367 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Мазкур кўрсаткичлар бўйича Хитой ҳам ижобий тенденцияга эга. Бундай ҳолат мазкур давлатларнинг нақадар ривожланганлигини кўрсатади ва инвестициявий муҳит жозибadorлигини таъминлаш ва ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади

Қулай инвестиция муҳитини яратиш ва ҳудуд инвестициявий

жозибadorлигини ошириш борасида, Буюк Британия, Италия, Финляндия, Франция, Жанубий Корея, Болгария, Чехия мамлакатларида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Буюк Британияда ҳудудларни иктисодий ривожлантириш Дастурлари (жозибadorлиги етарли бўлмаган ва шароити оғир бўлган ҳудудлар учун субсидиялар ва бошқа молиявий имтиёзларни назарда тутган ҳолда), ташландиқ ер участкалари ва биноларни инвесторларга бепул бериш, тадбиркорлик зоналарини ташкил қилиш, солиқ имтиёзлари муҳим рол ўйнайди.

Италияда Италия Республикаси Конституциясига мувофиқ, чет эл фуқаролари Италия фуқаролари билан барча ҳуқуқларда, шу жумладан, банк, молия, ишлаб чиқариш ва бошқа компанияларда иштирок этиш бўйича тенг ҳуқуқлидир. Хорижий компанияларни рўйхатдан ўтказишнинг асосий талаби – уларнинг устав капиталининг минимал руҳсат этилган миқдорини белгилаш бўлиб, акциядорлик жамиятлари учун 100 минг Евро, масъулияти чекланган жамиятлари учун 10 минг Еврони (бу тартиб Италия компаниялари учун ҳам бир хилда амал қилади) ташкил қилади. Корхоналарни модернизациялаш дастурларини молиялаштириш учун субсидиялар, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини олиб бориш учун субсидиялар, эркин савдо зоналари ва солиқ имтиёзлари амал қилади.

Францияда ер участкалари, бинолар ва асбоб-ускуналарга йўналтирилган капитал қўйилмалар қийматининг 25 фоизи миқдорида субсидиялар, имтиёзли қарзлар,

тезлаштирилган амортизация усулларини қўллаш, солиқ имтиёзлари (солиқ кредити, солиқдан озод қилиш, юридик шахсларнинг даромад солиғидан озод қилиш қачонки инвестициялар бандлик таъминлаш, экспортни ошириш, ресурстежам технологияларни қўллаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш, шароити оғир туманларда саноат ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилса), муайян ҳудудда инновацион ҳамкорлик лойиҳаларини яратиш мақсадида хусусий компаниялар, илмий марказлар ва университетлар ўртасида синтезни рағбатлантиришга қаратилган кластерларнинг давлат сиёсати, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган махсус технологик зоналар – технопарклар ташкил этиш орқали илмий-техникавий тараққиёт соҳасидаги инвестициялар давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланади.

Финляндия мамлакати шароити оғир, суғурт ривожланган ҳудудларига инвестициялар жалб қилишда қўмаклашади, давлат бюджети ҳисобидан инвесторларга субсидиялар, дотациялар берилади, кадрлар тайёрлашни молиялаштириш таъминланади, эркин иқтисодий зоналар, омбор зоналари ташкил этилган, халқаро молия ташкилотлари ва Скандинавия мамлакатлари (Финляндия, Швеция, Норвегия, Дания, Исландия) миллий ҳукуматлари томонидан қўллаб-қувватланадиган инвестиция фондлари, компаниялари ва банклари фаолиятини ривожлантириш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишга

қўмаклашувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар барпо қилиш, Финляндия экспортини ва хориждаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, фирмаларга бошқарув ва ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат ва техник ёрдам кўрсатиш, янги компаниялар барпо этиш каби амалга оширилади.

Жанубий Кореяда юқори технологияли тармоқларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзлари амал қилади, бож тўловларисиз эркин иқтисодий зоналар ва эркин савдо зоналари мавжуд, бож тўловларисиз зона чегараларида миллий божхона қонунчилиги ва божхона таърифлари қўлланилмайди, солиққа тортиш бўйича ушбу зоналар мамлакат божхона ҳудудидан чиқариб ташланган ва шунинг учун уларга солиқ ва божхона расмийлаштируви бўйича имтиёзлар берилган, агар хорижий сармоя маҳаллий саноатнинг техник даражасини оширишга қаратилса илғор технологияларни жалб қилиш ва қўшма корхоналарга тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилишга Ҳукумат томонидан амалий ёрдам берилади.

Болгарияда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув, турли халқаро ташкилот ва иттифоқларга (Бутунжаҳон савдо ташкилоти ва бошқ.) қўшилиш ва қонунчилик базасини Европа Иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти талабларига мослаштириш, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда инвесторларни барча солиқлардан озод этиш, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун техник инфратузилмани яратиш, ер ва қўчмас мулкларни олишга қўмаклашиш («Investbulgaria Agency» компанияси) ишлари фаол амалга оширилади.

Чехияда хорижий инвесторларга ёрдам берувчи махсус ташкилотлар ва турли идоралар ташкил қилинган, турли инвестиция лойиҳалари билан танишиш, қўшма корхоналар ташкил этишда етказиб берувчилар ва ҳамкорларни излаш мумкин бўлган маълумотлар базаси яратилган, янги ташкил этилган ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга қаратилган корхоналар учун солиқ имтиёзлари амал қилади, ҳудудий ривожланиш вазирлиги маблағлари ҳисобидан инвестиция харажатларининг 50 фоизигача миқдорда субсидия беришни назарда тутувчи қолоқ, шароити оғир ҳудудларда иш ўринлари яратиш дастурлари мавжуд, инвестицияларни суғурталашни таъминлайдиган ва хорижий ҳамкорларнинг инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи «CzechInvest» суғурта компанияси, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашувчи «Association of Foreign Investors» ассоциациялар фаолият юритади.

**Мунозара.** Ҳудуд инвестициявий жозибдорлигини таъминлаш ва ошириш борасидаги АҚШ ва Хитой давлатлари тажрибаларидан Ўзбекистон шароитида ижодий фойдаланиш истиқболда иқтисодиётнинг янада юксалишига хизмат қилади. Фикримизча, илғор хориж тажрибаларидан фойдаланишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

– миллий инвестиция сиёсатига тизимли ва комплекс ёндашув ва бунда маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини кучайтириш, улар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони сифатида белгилаш;

– маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан хорижий инвестицияларни жалб қилишга йўналтирилган турли дастурларни молиялаштириш, ҳудудларнинг табиий, иқтисодий-инвестицион салоҳиятидан келиб чиқиб, тадбиркорлик зоналари (саноат ва илмий-технологик парклар, технополислар) ташкил қилиш ва уларни ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) инфратузилма объектлари билан таъминлаш;

– ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, имтиёзли солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш;

– маҳаллий бюджетлардан экспортга асосланган инвестиция лойиҳалари учун субсидия ва дотациялар ажратиш, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш ва имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали молиявий рағбатлантириш;

– маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳудуд инвестиция имкониятлари бўйича ташқивот-тарғибот ишларини кучайтириш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда соҳага инвестицияларни жалб қилишнинг ахборот-реклама усулидан кенг фойдаланиш, инвесторлар учун зарур бўлган барча маълумотлар шаффофлигини таъминлаш ва маълумотни ҳеч қандай чекловсиз олиш имкониятини яратиш;

– Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш, халқаро ташкилотлар томонидан ўтказиладиган сўровномаларда фаол иштирок этиш, шаффоф барқарор қонунчиликни ва мулк ҳуқуқи ҳимоясини сўзсиз таъминлаш ва унинг самарали таъсирсан механизмини ишлаб чиқиш,

бизнес юритиш сарф-харажатларини қисқартириш.

Бошқа кўплаб мамлакатларда ҳам инвестициявий жозибаторликни оширишда бир қатор тадбирлардан фойдаланишади. Хусусан, молиявий барқарорликка ва иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида турли режа ва дастурларни амалга ошириш, солиқ ставкаларини пасайтириш, солиқлардан озод қилиш, солиқ кредитларидан фойдаланиш, инвестицияларни рўйхатга олиш жараёнларини соддалаштириш ва рақамлаштириш, хорижий компанияларнинг мамлакат иқтисодиётига киришидаги чекловларни олиб ташлаш, умумдавлат ва ҳудудий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни тўғридан-тўғри бюджетдан молиялаштириш, узоқ муддатли имтиёзли молиялаштириш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини божхона тўловлари ва солиқлардан озод қилиш, инвестиция визалари кабилардан иборат.

**Хулоса.** Фикримизча, инвестициявий жозибаторликни ҳар томонлама оширишга иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва табиий омиллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни самарали сафарбар қилиш, шунингдек, рискларни минималлаштириш ва соғлом рақобатни сақлаш омили сифатида

бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш орқали эришилади.

Ҳудудлар инвестициявий жозибаторлигини оширишга турли даражадаги бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган мақсадли Дастурларни ривожлантириш орқали эришилади. Энг муҳим устувор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда давлат ресурсларининг бевосита иштироқи жозибаторликни оширишда муҳим рол ўйнайди. Ва, албатта, илм-талаб ҳамда юқори технологияли тармоқларни молиявий кўллаб-қувватлаш, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга, чунки, айнан, шу даражадаги корхоналар рақобатни рағбатлантиради ва ишлаб чиқаришни юқори илмий-техник асосда ривожлантиради.

Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида мамлакат ҳудудларига хорижий сармояларни жалб қилишни фаоллаштириш, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, давлат кафолатисиз кириб келувчи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби масалалар асосий вазифалардан биридир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг Марказий Осиё мамлакатларидаги иқтисодий ўсишга таъсири қандай? (aniq.uz).
2. Мониторинг мировой экономики: объем прямых иностранных инвестиций в мире в 2022 году сократился на 12% (kommersant.ru).

3. Шарп У., Александер Г., Бейли Дж. Инвестиции: пер. с англ. – М.: «ИНФРА-М», 2001. – С. 29.
4. Хиггинз Р.С. Финансовый менеджмент. Управление капиталом и инвестициями. – М.: «Вильямс», 2013. – С. 112.
5. Цви Боди, Алан Дж. Маркус, Алекс Кейн. Пер. с англ. Е.Мельник 7-го междунар. изд. – М.: «Олимп-Бизнес», 2013. – С. 84.
6. Крейнина М. Н. Финансовый менеджмент. – М.: «Дело и Сервис», 2009. – С. 128.; Агаева Л.К., Анисимова В.Ю. Инвестиционная привлекательность региона. Уч. пос. – Самара: «Издательство Самарского университета», 2018. – С. 12-13.
7. Литвинцева Г.П. Факторы и пути повышения инвестиционной привлекательности региона. Идеи и идеалы 2019. Том 11. №4, часть 2. – С. 244-245.
8. Матраева Л.В., Ерохин С.Г. Прямые иностранные инвестиции в современной мировой экономике. Монография. – М.: Информационно-внедренческий центр «Маркетинг», 2013. – 196 с.
9. Вахабов А.В., Хажикакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 159.
10. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион жозибадорликнинг назарий, методологик ва амалий талқини. – Т.: «Маънавият», 2021. – Б. 21.
11. Эргашев А.Х. Худудларнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш истиқболлари. Иқт. фан. бўй. фалс. докт. (PhD) дисс. автор. – Т.: «ТДИУ», 2018. – Б. 12.
12. БМТнинг UNCTAD маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.
13. EDB\_2022\_Summary\_The-Economy-of-CA\_rus.pdf (eabr.org). «Евразийский банк развития. Экономика Центральной Азии: новый взгляд» хисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг статистик маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.
15. Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар сўнгги 5 йилда 1,5 баробарга кўпайди — ПМТИ — Дарё Янгиликлари (daryo.uz).
16. Страны Центральной Азии улучшают инвестклимат. Наибольший рост внешних инвестиций продемонстрировал Узбекистан - Review.uz.
17. <https://scienceforum.ru/2019/article/2018010549>.
18. Бирюков А.В., Седаш Т.Н. Использование зарубежного опыта для повышения конкурентоспособной и инвестиционной привлекательности российских регионов // Финансы и кредит. – 2013. – № 38. – С. 61.
19. Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажикакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: дарслик. – Т.: «Vaktria press», 2015. – 584 б.